2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 22-NOYABR, PAYSHANBA, 137 (8062)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




# ЭНГ НАМУНАЛИЛАР ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

**Халқимизнинг шундай пурмаъно нақли бор: Отанг маҳалла, онанг маҳалла. Дарҳақиқат, меҳр-оқибат, тинчлик-тотувлик, ўзаро маслаҳат асосида ёрдамга муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, тўю томошаларни ўтказишда маҳалланинг ўзига хос ўрни, мавқеи, хизмати катта.**

Истиқлол йилларида ушбу маскан фуқаролик жамиятининг муҳим ва фаол бўғини сифатида ўзини тобора намоён этмоқда. Маҳалланинг ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги тутган ўрни ортиб, ваколати кенгаймоқда. Бугунги кунда республикамиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга 30 дан зиёд вазифа бажариб келинаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Хусусан, унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Айниқса, унинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айланиб бораётгани диққатга сазовордир.

Президентимизнинг жорий йил 9 июлидаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллаларни комплекс ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови ўтказилди.

(Давоми 3-саҳифада)

## САҲИФАЛАРДА:


ЁНАЁТГАН ХАЗОН, БАРЧАГА ЗИЁН 4

АҲОЛИГА СИФАТЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ

5


ШАРШАРАЛАР ДУНЁСИ 8

«Qishloq HAYOTI»
137-son (2012-yil 22-noyabr)



# ТОШКЕНТДА ШАХМАТ БАЙРАМИ

**Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқич баҳслари бошланди.**

Халқаро шахмат федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, маънавий етук этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спорт жадал ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

– Ўзбекистонда спорт таълим-тарбия жараёнининг узвий қисмига айлангани таҳсинга лойиқ, – деди Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов. – Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдондаги ғалабалари юртингизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси 2014 йили бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасидир. 2012-2013 йилларда ўтказиладиган ушбу турнирда умумий ҳисобда 18 нафар энг кучли шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Шу тариқа, 18 нафар шахматчининг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Якунда энг кўп балл жамғарган икки нафар шахматчи номзодлар турнирига йўлланма олади.

2014 йили ўтказиладиган номзодлар турнири жаҳон чемпионлиги учун курашиш имконини берадиган ягона мусобақадир. Унинг ғолиби амалдаги жаҳон чемпиони – ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан жаҳон шахмат тожи учун баҳслашади.

Гран-при босқичларига Лондон, Тошкент, Лиссабон, Мадрид, Берлин ва Париж шаҳарлари мезбонлик қилади.

Пойтахтимизнинг Гран-при мезбонлари таркибига киритилиши бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда юқори нуфузли спорт анжуманларини юксак савияда ўтказиш яхши анъанага айланган. 2011 йили Тошкентда икки жаҳон чемпиони – Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилгани Ўзбекистоннинг шахмат борасидаги улкан салоҳиятининг ёрқин намоёни бўлди. Ушбу тадбирда иштирок этган ФИДЕ президенти К.Илюмжинов ўзбек шахмати мактаби анъаналари ва спортчиларимиз салоҳиятини юксак баҳолаб, 2012 йилги мавсумда Тошкент шаҳрига юқори даражадаги мусобақа – Гран-при сериясидаги турнирни ўтказиш ҳуқуқи берилишини эълон қилган эди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортига қаратилаётган эътибор самарасида кўплаб истеъдодли шахматчилар кашф этилмоқда. Ана шундай ёшларимиздан бири – Гулруҳбегим Тоҳиржонова 2011 йили Бразилияда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди. Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган Осиё чемпионатида ғолиб чиққан Нодирбек Абдусатторов яқинда Словенияда якунлаган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

...Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида бошланган турнирда мамлакатимиз шарафини 17-жаҳон чемпиони, 2010 йилги Осиё ўйинлари ғолиби, 2011 йилги Марказий Осиё кубоги соҳиби Рустам Қосимжонов ҳимоя қилади. Шунингдек, бу босқичда россиялик шахматчилар – рапид бўйича жаҳон чемпиони Сергей Карякин, жаҳон шахмат олимпиадасининг уч карра ғолиби, жамоалар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Александр Морозевич, жаҳон кубоги ғолиби Пётр Свидлер, жаҳон кубоги соҳиби исроиллик Борис Гельфанд, 16-жаҳон чемпиони ва жаҳон шахмат олимпиадасининг икки карра ғолиби украиналик Руслан Пономарёв, блиц бўйича жаҳон чемпиони кубалик Леньер Домингес Перес, Осиё чемпиони хитойлик Ванг Хао, жаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби озарбойжонлик Шаҳриёр Мамедяров, жаҳон кубоги соҳиби, тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпиони америкалик Гата Камский, Италия чемпиони Фабиано Каруана ва халқаро турнирлар ғолиби венгриялик Петер Леко ўзаро баҳс юритади.

Ушбу йирик спорт байрами доирасида мамлакатимизнинг иқтидорли ёш шахматчилари учун Гран-при иштирокчилари томонидан маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*



*Яқинда Словениянинг Марибор шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. 91 мамлакатдан 1584 нафар шахматчи иштирок этган мусобақада ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов жаҳон чемпиони бўлди.*

**Конституция барча халқлар тақдирида муҳим аҳамиятга эга. У ҳар бир давлатнинг Асосий Қонуни сифатида жамиятдаги барча ислоҳотларнинг туб негизини ташкил этади. Конституция асосида давлат доимий равишда ўз фаолиятини амалга оширади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим белгиларидан бири саналади. Бундай давлатда ҳокимиятнинг барча органлари фақат халқ иродасини ифодалайдиган қонунга бўйсунади ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тўла таъминланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла-тўкис кафолатланади, унинг дахлсизлиги Конституция доирасида мустаҳкамлаб қўйилади. Зеро, инсон эртанги кунига ишониб яшаса, унинг ҳуқуқий асослари кафолатланган бўлса, жамият тараққиётининг ривожида, қолаверса, шахсий ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширади.**

# КОНСТИТУЦИЯ
## ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ




Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларига оид меъёрий қонунлар яратилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Энг муҳими, ушбу қонунлар инсон ва жамият манфаатларига йўналтирилган бўлиб, Конституциянинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, Конституция давлат ҳаётидаги барча қонунларни бир мақсад атрофида бирлаштирувчи ва бўйсундирувчи ягона умумдавлат миқёсидаги Асосий Қонундир.

Қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан биридир. Юртимизда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиши мажбурий ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Конституциямиз барча фуқароларининг қонун олдида тенглигини эътироф этганлиги билан характерлидир. Жумладан, Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилади: **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

**Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт".**

Кўриниб турибдики, Конституциямизда фуқаролар ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенглиги эътироф этилган ва у қонун билан мустаҳкамланган. Демак, қонун ҳамма учун баробар бўлиб, шунинг баробарида ҳамма унга бўйсуниши шарт.

Конституциянинг 44-моддасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, **"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"**. Бу эса мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланганлигини, инсон ва унинг қадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини англатади.

Конституцияда ўз аксини топган ушбу тамойиллар ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларини ўзида мужассам этган.

Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши баробарида унинг бурчлари ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унинг 49-моддасида шундай дейилган: **"Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир".**

Мамлакатимизда миллий бойлигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни кейинги авлодларга етказиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Зотан, жамиятда маънавий муҳитнинг соғломлиги ҳар бир инсоннинг ўз ишидан мамнунлигини ва эртанги кунга бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Ватанимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар кўп миллатли халқимиз манфаатларига тўла-тўкис мос келиши ва бу Асосий Қонунимиз — Конституцияда муҳрлаб қўйилганлиги билан аҳамиятлидир.

Конституцияда давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиши аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, унинг 22-моддасида **"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди"**, дейилган.

Бу эса давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни барқарор бўлишини таъминлайди. Қолаверса, инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари дахлсизлигини англатади.

**Ҳаким АЗИМОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти доценти, тарих фанлари номзоди.**

# ЭНГ НАМУНАЛИЛАР ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

(Боши 1-саҳифада)

Танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида ижтимоий шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик комиссияларининг фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар чуқур ўрганилди. Улар орасидан саралаган ўн тўртта энг намунали маҳалла мамлакат босқичида иштирок этди.



Улар яқинда пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи"да "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" республика танловининг якуний босқичида беллашдилар.

Тадбирда вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Тадбир давомида маҳаллалар ҳаёти, иш фаолиятига оид ҳужжатлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини танловда биринчи ўринга сазовор бўлди. Наманган вилояти Наманган туманидаги Бешкапа маҳалла фуқаролар йиғини иккинчи, Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кўкча-Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, танловда фаол қатнашган 11 та фуқаролар йиғини тегишли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

– Йиғинимиз ҳудудида чорвачилик, деҳқончилик, гиламдўзлик ва каштачилик соҳалари ривожланмоқда, – дейди танлов ғолиби Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Жулбулов. – Шунингдек, "Оила-мактаб-маҳалла" ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун аҳоли ўз муаммолари ечимини топишда маҳаллани энг яқин кўмакчи, деб билмоқда. Танловда фуқаролар йиғинларида ҳужжатларни юритиш, ишларни ташкил этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш борасида катта тажриба ўргандик. Орттирган тажрибамиз бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш, маҳалланинг нуфузини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

– Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларида маҳалланинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради, – дейди танловнинг иккинчи ўрин ғолиби Бешкапа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сотволди Султонов. – Ҳудудимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан кўплаб янги иморатлар, маиший объектлар бунёд этилмоқда, аҳолининг турмуш маданияти юксалмоқда. Бугунги кунда ҳудудимиздаги қарийб 120 хонадонда иссиқхона мавжуд. Уларда қиш кунларида ҳам сархил мева-сабзавот етиштирилиб, аҳоли дастурхони тўкинлигига хизмат қилмоқда. Қолаверса, даромад ошиб, турмуш янада фаровонлашиб боряпти. Танловда кўплаб ҳамкасбларимиз фаолияти билан танишдик. Бу ерда ўрганганимиз, тажрибамизни бойитганимиз келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини янада такомиллаштиришда ушбу тадбир катта хизмат қилади, – дейди танловнинг учинчи ўрин соҳиби Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кўкча-Оқтепа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собит Имомов. – Маҳаллани "Оилавий бизнес марказига"га айлантириш, иш ҳужжатлари ҳамда фаолият кўрсаткичларини мукаммаллаштириш, фаолиятда қонунийликни таъминлаш борасида бошқа маҳаллаларнинг тажрибаси билан яқиндан танишдик. Йиғинларнинг аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш борасида ҳайрли ишлари бошқаларга ҳам ўрнак бўлади.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва болалар ижодий жамоалари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# ФЕРМЕРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилди. Айни пайтда ҳудудларда Фермерлар кенгашларининг ташкилий конференциялари бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар қилади.**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ** Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерлик фаолиятини янада кенгайтириш, деҳқончилик маданиятини оширишда илмий асосланган тажрибаларга таянишда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

Фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим бўғини сифатида фермер хўжаликларининг роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида Фермерлар кенгашининг ташкил этилиши бу борада муҳим қадам бўлди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда бирорта фермер ёки фермер хўжалиги давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда эмас, – дейди Конимех туманидаги "Сардор" фермер хўжалиги раҳбари Неъмат Мустафоев. – Янги ташкил этилаётган кенгаш фермерликни янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлашда муҳим ишларни амалга оширади.

– Давр бизнинг олдимизга кўп тармоқлилик вазифасини қўймоқда, – дейди Қизилтепа туманидаги "Нонвоён шанба обхўр" фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Аҳмедов. – Шу боис, хўжалигимизда паррандачилик, чорвачилик, мева, сабзавот ва полизчиликни ривожлантириб, қайта ишлашни ташкил этмоқчимиз.

Конференцияда вилоят Фермерлар кенгаши аъзолари ҳамда устави тасдиқланди. Навбаҳор туманидаги "Марҳаматли" фермер хўжалиги раҳбари Исомиддин Ўроқов вилоят Фермерлар кенгаши раиси этиб сайланди.

Навоий вилояти Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида вилоят ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ** ҳокимлигида вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилояти Фермерлар кенгаши аъзолари ва устави тасдиқланди. Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил" фермер хўжалигининг раҳбари Аваз Ҳосилов вилоят Фермерлар кенгаши раиси этиб сайланди.

Тадбирда таъкидландики, фермерлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Бу жараёнда янги ташкил этилаётган кенгаш фермерларнинг яқин ҳамкори, маслаҳатгўйига айланади, уларнинг тараққиёт ва фаровонликни таъминлашдаги хизматларини, истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

– Мустақилликнинг илк йилларида ўн-ўн беш гектар ерда деҳқончилик қилган, асосан маҳсулот етиштиришни уддалаган фермерлар, қисқа фурсатда, нафақат маҳсулотини ўзи қайта ишлайдиган, балки уни хорижга экспорт қилишга ҳам қодир тадбиркорга — мулкдорга айланди, — дейди Пастдарғом туманидаги "Умсин момо" фермер хўжалиги раҳбари, "Эл-юрт ҳурмати ордени" соҳиби Элибой Таниев. — Эришган муваффақиятларимизнинг асосий омили Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлардир. Мана фермерлик ҳаракати янги бир босқичга қадам қўймоқда. Энди Фермерлар кенгаши фермер хўжаликларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жалб қилиш каби қатор масъулиятли вазифаларни адо этади. Бу эса фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишига замин яратади.

Самарқанд вилояти Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида вилоят ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Термиз шаҳрида вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди. Унда илғор, ташаббускор, изланувчан фермерлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, фермерлик ҳаракатига яратилган шарт-шароитлар боис, ушбу тармоқ вакиллари қишлоқда етакчи кучга айланиб бормоқда. Бугун фермерлар етиштираётган маҳсулотлар туфайли элимиз дастурхони тўкин-сочинлиги таъминланиб, халқимизнинг турмуши фаровонлашмоқда.

Конференцияда вилоят Фермерлар кенгаши аъзолари ҳамда унинг устави тасдиқланди. Сурхондарё вилояти Фермерлар кенгаши раиси этиб Олтинсой туманидаги "Нуриддин" фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Нуриддинов сайланди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Н.Чориев сўзга чиқди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** Урганч шаҳридаги "Маънавият ва маърифат" марказида Хорзам вилояти Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ва суҳбатдош бўлганларимиз таъкидлаганларидек, Фермерлар кенгашининг ташкил қилиниши соҳани янги босқичга кўтаришга, иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Туманимизда ердан унумли фойдаланаётган, ҳосилдорликни йил сайин ошириб бораётганлар кўпчиликни ташкил қилади, — дейди Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамза Жуманиёзов. — Пахта, ғалла ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш билан бирга қишлоқда саноатни ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам самарали фаолият кўрсатяпмиз. Хўжалигимиз қошидаги тикувчилик цехида 15 нафар қиз доимий иш ўрнига эга бўлиб, турли хил чойшаблар, кийимлар тайёрлашмоқда. Нoввойхонамиз ишлаб турибди. Кенгашлар ташкил қилинишини барча фермерларнинг фаолиятида янги босқични бошлаб беришига ишончимиз комил.

— Аҳоли фаровонлигини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, қишлоқда турмуш сифатини янада кўтаришда фермерликнинг ўрни катта, — дейди Боғот туманидаги "Қаҳрамон орзуси" фермер хўжалиги раҳбари Бектурди Қувоқов. — Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида малакали кадрларга эҳтиёж ортади. Демакки, янги иш ўринлари яратилади. Консалтинг ва кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган фаолиятимизни кенгайтириш, ишимизни илмий асосда ташкил этиш, деҳқончилик маданиятини янада ошириш имконини беради.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари сайланди ва устави тасдиқланди. Хоразм вилояти Фермерлар кенгаши раиси этиб Шовот туманидаги "Сайдулла бобо" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Тожиев сайланди.

Конференцияда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов сўзга чиқди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# СОЗ БЎЛСА «ЎТ ОЛАДИ», НОСОЗ БЎЛСА ЎТ ОЛАДИ

**Йўлга чиққан кишининг мақсади кўзлаган манзилига тезроқ етиб олиш бўлади. Автоулов эса мақсад воситаси. Шундай экан, машинанинг ҳар доим соз бўлиши, манзилга тезроқ ва энг муҳими, саломат етиб олиш имконини беради.**



Маълумотларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даврида республикамизда автомашиналарнинг у ёки бу техник носозликлари оқибатида юзага келган ёнғинлар сони 454 тани ташкил этган. Ачинарлиси, ушбу ёнғинларда 34 нафар инсон турли даражада тан жароҳати олган, 2 нафари бевақт ҳаётдан кўз юмган.

Автомашиналардаги ёнғинларнинг 99 фоизи электр симларининг носозлигидан содир бўлган. Машинанинг техник кўрик муддати анча ўтган бўлса ёки мутахассис назоратисиз турли қўшимча мосламалар ўрнатилса, унинг электр тизимлари қизиб кетиши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келади.

Масалан, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар Буюк Ипак Йўли кўчасида ҳаракатланиб кетаётган "Шер" МЧЖга қарашли автобус электр симларининг қисқа туташувидан ёнғин чиқиб, мотор ва салон қисми зарарланган.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги А.Навоий номли истироҳат боғи олдида турган "Ман" русумли шахсий юк автоулови электр симларининг қисқа туташувидан ёнғин содир бўлиб, кабина қисми тўлиқ ёниб кетган.

Тошкент-Бухоро йўналишида ҳаракатланаётган "VOLVA-420" юк автомобилининг турбо компрессори қизиб кетиши натижасида ёнғин чиқиб, салон ва 4 та шинаси ёниб зарарланган.

АЁҚШдан қайтаётган ҳайдовчи Қ.Бобоев бошқарувидаги "Газ-5304" русумли ёнилғи ташиш автомашинасининг электр симлари қисқа туташувидан ёнғин келиб чиққан. Хайриятки, бу вақтда автомобиль АЁҚШ ҳудудидан чиқиб улгурган...

Хўжайли тумани Энергетик кўчасида ҳаракатланаётган фуқаро М.Тангиров бошқарувидаги автомобиль мотор қисмидаги электр симларининг қисқа туташувидан мотор ва салон қисми ёниб, зарарланган.

Машинани ҳаракатлантирувчи ёнилғи, бензин, дизель ёки табиий газ бўлади-ми, салгина эътиборсизлик қилинса, дарҳол ёниб кетишига сабаб бўлади. Бундай пайтда ҳайдовчининг машинасида ёнғин ўчиргич бўлса, бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айланиши ҳеч гап эмас. Мана оддий мисол: Андижон вилояти Пахтаобод тумани Маданият ҚФЙ ҳудудидаги автомобилларни таъмирлаш хусусий устахонасида таъмирланаётган "Тико" русумли автомобилида пайвандлаш ишлари вақтида эҳтиётсизликдан ёнғин содир бўлган. Автомобиль бирламчи ёнғин ўчиргич воситаси билан таъминланмаганлиги натижасида тўлиқ ёниб кетган.

Ҳар бир ҳайдовчи машинасини ўз вақтида махсус кўрикдан ўтказиб, электр ва ёнилғи тизимларини ўрнатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса ҳамда машиналарда ёнғин ўчиргичлар олиб юрса, уларни ишлатиш қоидасини мукаммал билса, кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

**Умидхўжа АКРАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ ТВФНЭБ муҳандиси, майор.**

**Аксарият ёнғинлар эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиқади. Шу ўринда ёнғинни бартараф этиш эмас, балки унинг олдини олиш муҳимлигини таъкидлаш жоиз.**

# ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Бугунги кунда Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, метрополитен бекатларида хизматчи ходимлар иштирокида ёнғин хавфсизлиги ва бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри фойдаланиш бўйича ўқрашувлар, ёнғин хавфсизлиги мавзуида давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Метрополитен бекатларида Ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилмоқда.

Метрополитен ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари билан ҳамкорликда кўнгилли ўт ўчириш дружиналари ёнғинни ўчириш амалий ўқув машғулотларини ўтказмоқда. Шунингдек, метрополитен бекатлари ва электро деполарнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилаётир. Мепрополитен объектларининг ёнғин ўчириш техника ва асбоб-анжомлар базаси мустаҳкамланмоқда.

**О.ҲАЙДАРОВ,**
**Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ инспектори.**

# ЁНАЁТГАН ХАЗОН, БАРЧАГА ЗИЁН

**Куз. Хазонрезги мавсуми. Бундай пайтда тўпланган хазонларнинг ўйинқароқ болалар томонидан ёқиб юборилиши ёки бошқа эҳтиётсизлик оқибатида кўпгина салбий ҳолатлар юзага келмоқда.**

Масалан, Тошкент шаҳридаги кўп қаватли аҳоли турар-жой бинолари ва фуқароларга қарашли гаражлар орасига йиғилиб қолган хазон уюмлари ўйинқароқ болалар томонидан ёқиб юборилиши натижасида олов гараж ичига ўтиб, автоулов ёниб кетишига сабаб бўлган. Кўпинча тўпланган хазонлар дахлсиз жойларга олиб бориб ташланмасдан жойида ёқиб юборилади. Бунда нам хазонлар аччиқ тутун чиқариб, узоқ тутаб ётади. Бу атрофни заҳарлаб, бир қатор хасталиклар кўпайишига олиб келади. Агар ҳар биримиз ўзимизнинг оддий фуқаролик бурчимизни бажариб, аввало, мавжуд хазонларни махсус жойларга олиб бориб ёки кўмиб ташлашга бош-қош бўлсак, кўчада юрган болаларнинг ўйинқароқ хатти-ҳаракатларини назоратсиз қолдирмасак, қисқаси, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига астойдил риоя қилишни таъминласак, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ўзимиз ва фарзандларимиз хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

**Дониёр ЎРМАНОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходими.**




# «ҚУРИЛИШ УЙЧАСИ» РЕЙДИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, қурилиш майдонларида, хусусан, қурилиш биноларида кўплаб салбий ҳолатларга дуч келамиз. Сабаби эса оддий — қўлбола электр иситиш асбобларидан ва носоз электр симларидан фойдаланиш.**

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" мобайнида Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ҳар бир қурилиш объектида "Қурилиш уйчаси" рейди ўтказилиб, қурувчилар, газ-электр пайвандчилар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги мавзусида рангли плакат ва эслатмалар тарқатилиб, тарғибот ишлари кучайтирилаётир.

Шу ўринда бунёдкорлардан қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишларини сўраймиз:

** Қурилиш уйчаларида электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, газ баллонлар ва енгил ёнувчи моддаларни сақлаш тақиқланади;*

** Қурилиш уйчаларининг жойлашган ҳудуди бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши керак;*

** Ёнғин чиққанда дарҳол "101" телефон рақами орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар бериш керак.*

**Аловуддин БАБАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ МТЭБ ходими.**

# НОСОЗ ИСИТИШ УСКУНАЛАРИ ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

**Қиш фаслида аҳолининг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи боис ёнғин чиқиш хавфи бир неча баробар ортади. Ёнғин ўз-ўзидан эмас, балки лоқайдлик, бепарволик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ва болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида келиб чиқади.**

Бу борада "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирлари доирасида соҳа ходимлари томонидан аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётир. Аҳоли турар-жойларида, хонадонларда ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланиб, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда ҳар бир юртдошимизни ушбу тадбирда фаол иштирок этишни сўраймиз. Бу билан сиз ўз шахсий мулкингизни, хонадонингизни ёнғин балосидан асраган, шунингдек, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**М.ТУРСУНОВ,**
**12-ХЁХО 24-ХЁХҚ кичик сержанти.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# АҲОЛИГА СИФАТЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон филиалига қарашли Кегайли телекоммуникация тармоғи жамоаси туман аҳолисига сифатли алоқа хизмати кўрсатмоқда.**

— Жойларда алоқа хизмати сифатини тубдан яхшилаш, қишлоқ жойларидаги эски аналог телефон станциялари ўрнига замонавий технологиялар ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда, — дейди Кегайли тумани телекоммуникация тармоғи бошлиғи Талғат Қўнғиротбоев. — Жорий йилнинг ўзида туман аҳолисини 300 дона стационар мобайл терминали билан таъминлаш, 336 та Интернет хизматини йўлга қуйиш, 200 та қўшимча хизмат турларини кўрсатиш, янгидан телефон тармоқларини ишга тушириш, телефон линияларининг созлигини таъминлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган. «Ўзмобайл» терминаллари ва Интернет тармоғи хизматини кўрсатиш доирасини яна ҳам кенгайтириш мақсадида туман марказидаги 412-электрон, Халқобод шаҳарчасидаги 416-электрон АТСларга қўшимча Dislam қурилмалари ўрнатилди.



*Туман телекоммуникация тармоғи катта электромонтёри Арепбой Пирданов.*

Туман марказидаги ва қишлоқ жойларидаги АТСларнинг узлуксиз ишлаши таъминланиб, таъмирлаш ишлари белгиланган режа асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар 4 километр магистрал ва 2,2 километр тақсимлаш кабеллари, бир километр кабел канализациялари, 3 дона тақсимлаш шкафлари ва 19 дона қутичалар, 2 километр ҳаво линиялари, 2,4 километр абонент линиялари ва 2,1 километр проводлари, 0,7 километр боғловчи линиялар, 5 дона кабел майдончалар, 9 дона темир бетон устунларини таъмирлаш ва янгиларига алмаштириш ишлари якунига етказилди. Туман ҳудудида телекоммуникация тармоғида янги технологияларни жорий этиш, солиқ идораларига ҳисоботларни Интернет орқали топширишнинг афзалликлари, алоқа хизматининг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти борасида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида аввалги абонент бўлимлари негизида «Ягона ойна» лойиҳаси бўйича алоқа хизмати турларини кўрсатиш офиси очилиш арафасида. Лойиҳанинг афзаллиги шундаки, аҳолига алоқа хизматининг барча турлари бир жойда амалга оширилади.

Шунингдек, ходимларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида қатор ўқув-семинарлар ҳамда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. «Энг яхши телекоммуникация ходими», «Энг намунали телекоммуникация тармоғи», «Энг намунали қишлоқ жойларидаги АТС» кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Туман телекоммуникация тармоғи жамоаси алоқа хизмати турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида меҳнат қилмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# Бозорбой аканинг

## КЎЧМА ҲАЙВОНОТ БОҒИ

**Ёшликдан санъатга ошуфта бўлган оқолтинлик Бозорбой Қосимов тўй-маъракалар, дўсту ёрлар даврасида сурнай чалиб, кўпчиликнинг олқишини олиб юрарди. Кейинчалик 10 йил Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги кўчма ҳайвонот боғида хизмат қилиб, республикамизнинг бутун шаҳар ва қишлоқларини айланиб чиқди ва ўша йиллардаёқ Сирдарёда хусусий ҳайвонот боғи барпо этишни дилига тугиб қўйганди.**

Унинг бу орзуси, эзгу интилиши банкнинг мадади билан ушалди. "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиалидан 12 миллион 300 минг сўм кредит олиб, "Оқолтин оққушлари" корхонаси қошида Сирдарё хусусий кўчма ҳайвонот боғини ташкил қилди. Аввало, тадбиркор ёввойи ҳайвонлар, паррандалар учун 5 та вагон сотиб олди. Шунингдек, Сурхондарёдан бўри, Намангандан айиқ, йўлбарс, Қашқадарёдан шер, товус, бургут ва бошқа вилоятлардан чиябўри, насуха, кобра илони, бургут, лочин, сисарка — шохли қуш, каклик, жайра ва тўтиқушларни сотиб олиб келди. Қарабсизки, кўз очиб юмгунча Фарғона қишлоғида ажойиб кўчма ҳайвонот боғи юзага келди.

Кунлар, ойлар ўтиши билан ҳайвонот боғининг томошабин-ишқибозлари сони ҳам ўсиб борди. Ўтган тўрт ой ичида Бозорбой Қосимов кўчма ҳайвонот боғи билан Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларидаги қўрғону қишлоқларни айланиб чиқиб, одамларга, айниқса, болажонларга қизиқарли томошалар кўрсатди. Ҳайвонот боғи қошида дорбоз ўйинлари ҳам ташкил этилди.

— Вилоят ҳокимининг бевосита ёрдами, қўллаб-қувватлаши сабаб эзгу ниятимиз рўёбга чиқди, — дейди хусусий кўчма ҳайвонот боғи раҳбари Бозорбой Қосимов. — Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида биринчи бўлиб хусусий ҳайвонот боғига асос солдик. Сирдарё вилоятида томошаларимизни тугатгач, жиззахлик ва самарқандлик ишқибозларнинг ҳам дилларини хушнуд этамиз.

Ноёб жониворларни боқиб, қизиқарли томошалар кўрсатишда Бозорбой Қосимовга ўғли Авазбек, қизи Самидахон, куёви Шуҳратбек Бойбўтаев, келини Гулмира Қосимова ҳамда уста ҳайвонбоқар Абдулла Тожибоевлар астойдил ёрдам беришмоқда. Битта шер бир кунда 8 килограмм, битта йўлбарс 10 килограмм гўшт ейишини инобатга оладиган бўлсак, ҳайвон боқувчиларнинг иши нақадар мушкуллиги ўз-ўзидан аён бўлади.

— Сирдарёда ҳайвонот боғининг ташкил этилганлиги барчамизни қувонтирди, — дейди "Фарғона" қишлоқ врачлик пунктининг мудири Манзура Сейтпагамбетова. — Ўғилу қизларимиз — жажжи болажонлар бўш вақтларида ҳайвонот боғига келиб умрида кўрмаган, эртакларда эшитган жонивор ва қушларни томоша қилиб қанчалар шодланишади. Шунинг баробарида уларни асраб-аввайлашга масъул эканларини ҳам ҳис эта бошлайдилар.

**Б.БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти



# ЛАГАНДИДА ЛИМОН ЕТИШТИРИЛМОҚДА

**ТОМОРҚА – БАМИСЛИ ХАЗИНА. ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЕРНИНГ ҲАР ҚАРИЧИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ОИЛАСИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАГАН.**

Кейинги йилларда томорқа бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш баробарида, қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаига ҳам айланмоқда. Одамлар томорқадан даромад олишнинг янги-янги йўлларини топмоқда.

– Илгари 15-20 сотих томорқасига маккажўхори ёки беда экиб қўйиш билан чекланган одамлар бугун ундан катта даромад олишни ўргандди, – дейди Қарши туманидаги Лаганди қишлоғилик Собир Баҳриддинов. – Масалан, бизнинг қишлоқда узумчилик яхши ривожланган. Кейинги икки-уч йил ичида эса лимончиликка ҳам эътибор кучайди. Тўғри, унинг ташвиши кўп, меҳнати оғир. Бироқ даромади ҳам шунга яраша. Аввалига 10 сотих ерда 135 туп лимон парваришладик. Ўтган йили яна 4 сотих майдонда янги иссиқхона қуриб, 50 туп лимон ниҳоли экдик. Насиб этса, келгуси йилдан 185 туп лимон шиғил ҳосилга киради.

Собир аканинг ҳисоб-китобига кўра, келгусида ҳар туп лимон кўчати ўртача 30 килограммдан мева берганда ҳам ҳосил 5,5 тоннадан ошади. Даромад эса 15 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, лимондаги С витамини инсон организмида моддалар алмашинувини яхшилаб, қандли диабет касаллигига чалинишнинг олдини олади. Лимон шарбати эса саратон хасталигини бартараф этиш хусусиятига эга. Яъни, овқатланишдан олдин янги сиқилган лимон шарбатидан 2 чой қошиқ ичиш инсон организмини саратон ҳужайрасини ўсимтага айлантирадиган заҳарли моддалардан тозалар экан.

– Лимон асосан икки хил усулда – қаламчалар орқали ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади, – дейди С.Баҳриддинов. – Уни экишдан олдин ерни обдон тайёрлаш шарт. Парвариш яхши бўлса, лимон 2-3 йилда ҳосилга киради. 10-15 ёшли дарахтдан 50-80 килограммгача ҳосил олиш мумкин.

Узумчиликда ўзига хос тажриба мактабини яратган ва бунинг ортидан миллионлаб даромад топишга эришаётган лагандиликлар аста-секин лимончиликнинг ҳам ҳадисини олмоқда. Бошқача айтганда, бу ерда ишбилармонлиги, омилкорлиги билан кичик томорқанинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётган оилавий тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ № 1**

**Лот 1-1. “Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги вилоят сил касалликлари диспансерини капитал реконструкция қилиш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 1 543,565 сўм, ҚҚС билан 1 852,278 сўм.

**ЛОТ № 3**

**Лот 3-1. “Жиззах вилояти Жиззах тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 661,368 сўм, ҚҚС билан 793,642 сўм.

**Лот 3-2. “Жиззах вилояти Янгиобод тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 3 003,625 сўм, ҚҚС билан 3 604,350 сўм.

**ЛОТ № 10**

**Лот 10-1. “Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 140 ўринли 75-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 118,441 сўм, ҚҚС билан 142,129 сўм.

**Лот 10-2. “Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 776 ўринли 10-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 266,027 сўм, ҚҚС билан 319,233 сўм.

**Лот 10-3. “Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 180 ўринли 11-сонли мактаб филиали биносини капитал таъмирлаш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 69,378 сўм, ҚҚС билан 83,254 сўм.

**ЛОТ № 12**

**Лот 12-1. “Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги тиббиёт соҳасидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 94,317 сўм, ҚҚС билан 113,181 сўм.

**Лот 12-2. “Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 720 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 549,836 сўм, ҚҚС билан 659,803 сўм.

**Лот 12-3. “Жиззах вилояти Зомин туманидаги 720 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш”.**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 546,532 сўм, ҚҚС билан 655,839 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати:** Соғлиқни сақлаш муассасалари 2013 йил 30 сентябрь. Умумтаълим ва ўрта махсус таълим объектлари 2013 йил 15 август.

**Ишларни молиялаштириш:** "Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш" жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй.

**Телефон:** (8-372) 222-46-40.

**Диққат!** *Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.*

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

**Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 — 150 минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

*Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!*

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № п/п | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм) | Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм) | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | **2012 йилга қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича** | | | |
| 1 | Лот 10-1. «Сув тақсимлагич-ғишт хумдони – Мингчинор» 6-8 км.даги 4Н-649 автомобиль йўлини таъмирлаш | 252 384 283 сўм | 210 320 235 сўм | 90 кун |
| | Лот 10-2. Ховос тумани «Чаманзор» СФУдаги маҳаллий уйлар учун йўл қурилиши | 251 608 067 сўм | 209 673 389 сўм | 165 кун |
| 2 | Гулистон ш. Паррандачилик ДФХУ-Ҳ.Олимжон ДФХУ 2-5 км.даги 4К-653 автомобиль йўлини таъмирлаш | 913 438 753 сўм | 761 198 960 сўм | 150 кун |
| 3 | Мирзаобод тумани «Тошкент» ҚФЙ «Ҳайдар» массивидаги маҳаллий уйлар учун йўл қурилиши | 949 818 311 сўм | 791 515 259 сўм | 240 кун |
| 4 | Боёвут тумани Деҳқонобод ҚФЙ Гулистон маҳалласидаги уйлар учун йўл қурилиши | 870 419 852 сўм | 725 349 877 сўм | 150 кун |
| 5 | Гулистон ш. — Боёвут автойўлидан Гулистон шаҳрининг 0-1 км. ва 3-7 км.даги 4К-654 «а» автомобиль йўлини таъмирлаш | 2 802 170 989 сўм | 2 335 142 491 сўм | 150 кун |
| 6 | Мирзаобод тумани «Ҳайдар» маҳалла аҳолисини сув билан таъминлаш | 157 645 205 сўм | 131 371 004 сўм | 105 кун |
| | **2013 йилга қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича** | | | |
| 7 | Лот 5-1. Сирдарё туманидаги 21-сонли 624 ўринли мактабни капитал таъмирлаш | 271 583 725 сўм | 226 319 771 сўм | 180 кун |
| | Лот 5-2. Ховост туманидаги 192 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни капитал таъмирлаш | 103 173 932 сўм | 85 978 277 сўм | 120 кун |
| 8 | Сирдарё тумани Бахт шаҳридаги 14-сонли мактабни (120 ўринли ўқув блоки билан) капитал реконструкция қилиш | 523 808 956 сўм | 436 507 464 сўм | 165 кун |
| 9 | Лот 4-1. Мирзаобод туманидаги 19-сонли (96 ўқув ўринли бошланғич синф учун ўқув корпуси) мактабни капитал реконструкция қилиш | 379 557 361 сўм | 316 297 802 сўм | 185 кун |
| | Лот 4-2. Мирзаобод тумани Найман маҳалласидаги 7-сонли (40 ўқув ўринли бошланғич синф учун ўқув корпуси) мактабни капитал реконструкция қилиш | 246 061 990 сўм | 205 051 658 сўм | 125 кун |
| 10 | Сардоба туманидаги 5-сонли мактабни (120 ўринли ўқув блоки билан) капитал реконструкция қилиш | 728 440 420 сўм | 607 033 683 сўм | 180 кун |
| 11 | Гулистон шаҳридаги 2-сонли академик лицей учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши | 856 913 344 сўм | 714 094 453 сўм | 180 кун |
| 12 | Гулистон шаҳридаги Вилоят Гўдаклар уйи 30 ўринли қайта қурилиши | 468 008 969 сўм | 390 007 474 сўм | 150 кун |
| 13 | Лот 3-1. Мирзаобод тумани Тошкент ҚФЙ Наврўз МФЙ 8 март тик қудуқ қурилиши | 218 828 339 сўм | 182 356 949 сўм | 165 кун |
| | Лот 3-2. Мирзаобод тумани Оқ олтин ҚФЙ Оқ олтин маҳалласида тик қудуқ қурилиши | 242 069 741 сўм | 201 724 748 сўм | 175 кун |

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Республика бюджети ҳисобидан, Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, Маҳаллий бюджет ҳисобидан, Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббий муассасаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар М.Ахтамова кўчаси 30-уй.

**Тел.:** (8 367) 227-63-86.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПП-1475 сонли Қарорига асосан давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, иншоотларни мукаммал тамирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.

Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел. (факс): (8 367) 227-64-42.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

# Шаршаралар дунёси

*Шаршаралар — табиатнинг ноёб мўъжизаси. Қуйида сизни ер куррасининг турли минтақаларидаги гўзаллиги бетакрор шаршаралар билан таништирамиз.*



**ИГУАСУ ШАРШАРАСИ**

Бразилия ва Аргентина чегарасида жойлашган ушбу шаршара дунёдаги энг азим шаршаралардан биридир. Игуасу – битта шаршара эмас, балки баландлиги 60-80 метр, давомийлиги тахминан 3 километрни ташкил этган 275 та кичик шаршаралар тизимидан иборат. Ушбу йирик шаршара баландан қаралганда U ҳарфини эслатади. Испания олимлари унга "Шайтон оғзи" деган ном беришган.



**АНГЕЛА ШАРШАРАСИ**

Венесуэла шаҳрининг Канайма миллий боғида жойлашган ушбу шаршаранинг баландлиги 979 метрни ташкил этади. У маълум ва машҳур Ниагара шаршарасидан 15 баравар катта. Ҳар йили минглаб сайёҳлар томоша қиладиган ушбу шаршаранинг номи америкалик авиатор Джимми Ангела шарафига қўйилган. Боиси, у парвоз чоғида ушбу табиий сув иншоотини кашф этган.



**ЙОСЕМИТИ ШАРШАРАСИ**

Калифорниядаги баландлиги 739 метрга яқин Йосемити шаршарасининг ўзига хос хусусияти фасллар алмашинишида яққол кўзга ташланади. Бу шаршаранинг суви қишда деярли "тинчланади", ёзда эса кучли оқим билан пастга тушади.



**ПЛИТВИЦА КЎЛЛАРИ ШАРШАРАСИ**

Хорватиядаги Плитвица миллий боғидаги ушбу шаршара сувининг ранги ўзгариб туради. Яъни осмон рангидан тўқ кўк тусга кириши билан барчани ўзига жалб этади.



**НИАГАРА ШАРШАРАСИ**

АҚШнинг шимолий-шарқий томонида жойлашган Ниагара шаршарасидан бир сонияда 2,8 миллион литр сув пастга шиддат билан оқиб тушади. Дунёдаги энг азим шаршаралардан бири ҳисобланган ушбу шаршарани ҳар тарафдан томоша қилиш мумкин.

**Зулфия АҲМЕДОВА тайёрлади.**




(26 ноябрь – 2 декабрь)

**ҚЎЙ (21.03 – 20.04)**



Кундалик юмушлардан бирози чалғиган ҳолда дўстларингиз, яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутманг. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг. Спорт билан шуғулланишни давом эттиринг.

**БУЗОҚ (21.04 – 20.05)**



Ҳар бир воқеа-ҳодисага хафсаласизлик билан қараш ярамайди. Чунки бу ўз кучингизга бўлган ишончни янада камайтиради. Кайфиятингизни кўтариш учун мусиқа тингланг ва вақтингизни дўстлар даврасида ўтказинг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)**



Нима бўлганда ҳам хотиржам фаолият олиб боришга, феълингизни кенгроқ тутишга ҳаракат қилинг. Шундагина, бемалол ўйлаш имконияти юзага келади. Энди пухта ва пишиқ ишлаш тадоригини кўринг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 – 22.07)**



Сизни кўпдан буён ўйлантириб келаётган муаммолар самарали ечим топади. Фақат зийрак бўлишни унутманг. Вақтида дам олиш кейинги фаолият учун асқотади. Ишларингиз режадагидек бўлмаса, бундан асабийлашманг.

**АРСЛОН (23.07 – 23.08)**



Бўлар-бўлмасга ўзингизни ҳам, атрофдагиларнинг ҳам кайфиятини бузиш яхши эмас. Бироз ишингизга масъулият билан ёндашсангиз бас. Ишингизда унум, кайфиятингиз аъло бўлади.

**ПАРИЗОД (24.08 – 23.09)**



Ўзаро ҳамкорликда жаҳлингизни жиловлай олмасангиз, бу сизга зиён келтириши мумкин. Чунки кундалик ҳаётингизда турли характерга эга инсонлар билан мулоқотда бўласиз. Бунда мулоҳаза юритиб иш кўрган маъқул.

**ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)**



Бу ҳафта сиз учун омадли келади. Ўзингизга бўлган ишонч ортади. Янги дўстлар ва ҳамкорлар орттирасиз. Агар бошлаётган лойиҳангиздан кўнглингиз тўлмаётган бўлса, яхшиси бу ишни кейинроққа қолдиринг.

**ЧАЁН (24.10 – 22.11)**



Шахсий ҳаётингиз ва иш фаолиятингизни яхши йўлга қўйгансиз. Бир четда камтар ва камсуқум бўлиб ўтириш сизга ярашмайди. Доимо фаол бўлган ҳамда тадбиркор инсонлар муваффақиятга тезроқ эришади.

**ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)**



Муҳим қарорлар қабул қилишда юзаки, жонингизни койитмай ҳаракат қилишни бас қилинг. Бировга ҳазил қилаётганингизда унинг кўнглини оғритиб қўймаслик ҳаракатида бўлинг. Турли харидларда тежамкор бўлинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)**



Фойдали шартномалар имзолаётганда ўз касбингизни жуда яхши билишингиз асқотади. Бунинг натижасида ҳамкорларингиз нафақат иш юзасидан, балки дўстона алоқаларни ўрнатишга ҳам мойил бўладилар.

**ҚОВҒА (21.01 – 20.02)**



Сизга жуда фойдали таклифларни ваъда қилишади. Агарда ишни пайсалга солмасангиз, яхшигина даромад олишингиз мумкин. Спорт билан мунтазам шуғулланиб туриш соғлиғингиз учун фойда эканлигини унутманг.

**БАЛИҚ (21.02 – 20.03)**



Иқтисодий аҳволингиз анча барқарорлашишига эришасиз. Бундан ҳаволанмай, келажагингиз ҳақида жиддийроқ ўйланг. Чунки пулни топишдан кўра уни тўғри сарф этиш бундан-да мушкул. Бу ҳақиқатни зинҳор унутманг.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: А.ЭЛМУРОДОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1114, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.10
15007 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4